



1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Бола табассум қилган ҳар лаҳзанинг ўзи байрамга айланади. Боланинг бегонаси бўлмайди. Унинг биргина самимий кулгуси дунёни бахтга, шодликка тўлдирди. Чиройли кўзларига, самимий нигоҳига боқсанг, ҳақиқий бегуборликни кўрасан. Ширин ва бийрон тиллари билан сўзлаётганини эшитсанг, ҳаёт ташвишларини унутасан, саодат аслида нима-лигини ҳис қиласан...

БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИДА

ҳар доим шўх-
шодон кулгулар
эшитилиб туради

Болажон... Ҳар куни ота-онанга, яқинларингга нимадир ўрганганини чексиз ҳаяжон билан айтиб берасан. Ҳа, сен қадамба-қадам улғайиб бора-сан, ўқиб, ўқиб, ўқиб бора-сан. Сендан ҳаммамизнинг, халқимизнинг умиди жуда катта. Ишонамиз, эртага аждодларга муносиб фарзанд бўлиб етишасан. Чунки сен бағридара эл, меҳрибон Ватан ардоғидасан, болажон...

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан жойларда ўтказилаётган тадбирларда иштирок этган ҳар бир инсон кўнглидан шундай ўйлар ўтса ажаб эмас. **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ва Чилонзор туман кенгаши ташаббуси** билан болажонлар учун ташкил этилган байрам тадбирида иштирок этиб, шўх-шодон кулгулардан баҳраманд бўлди.

► Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САЙТИДА ЎҚИНГ!

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ АХБОРОТ БЕРДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ташаббуси билан навбатдаги парламент эшитуви ўтказилди



Президентимиз ўтган йил январь ойида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида парламент олдида турган ўта муҳим вазифаларни белгилаб берган эди.

www.xdp.uz

«КИЧИК ОЛИМПИАДА»НИНГ КАТТА ҲАЯЖОНЛАРИ



Фарғонада мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2016» республика спорт ўйинлари финал босқичи якунланди

4



ЎЗХДП: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ БИЛАН

ишлаган одам яхши натижаларни
қўлга киритади

Депутат давлат ҳокимиятининг олий, маҳаллий вакиллик органларида халқнинг ишончли вакили ҳисобланади. Шунинг учун унинг зиммасида сайловчилар манфаатларини ҳимоя этиш вазифаси туради. Бу жараёнда депутат катта ҳуқуқ ва ваколатга эга бўлиб, қайсидир масалада мутасадди ташкилотларга сўров юбориш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат ўрнатиш, аниқланган масалани халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиясида қўриб чиқиш учун таклиф киритиши мумкин.

ЎЗХДП Тошкент вилоят кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлини маси ҳамкорлигида мазкур масалаларга бағишлаб семинар ташкил этилган, унда интерактив усулларда машғулотлар

ўтказилгани ҳақида хабар берган эдик.

Хўш, депутатлар берилган ваколатлардан самарали фойдаланиш бўйича қандай таклифлар билдирди? Улар электорат манфаатини ҳимоя қилишда қандай ташаббуслар билан чиқишяпти?

Айни пайтда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашида партия-миздан сайланган 16 нафар ва халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларида 195 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Жорий йилнинг шу даврига қадар сайловчилар муурожаатларидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида 200 дан ортиқ депутатлик сўрови юборилган. Уларда кўтарилган ижтимоий масалаларнинг асосий қисми ижобий ҳал этилган. Шунингдек, депутатлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига масала киритишда муайян ташаббусларни илгари сурмоқда.



2

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

Турли халқаро кўрик-танлов ва анжуманларда иштирок этиб, илмий ва ижодий салоҳиятини намоён этаётган изланувчан ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Наманган давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Норбек Юсуфжонов Жанубий Кореяда бўлиб ўтган халқаро семинарда инглиз ва корейс тилларида маърузалар қилиб, ҳаммани ҳайратга солди.

Тил билган эл билади



— Бир ҳафта мобайнида мамлакатнинг саккизта йирик шаҳаридаги ўқув муассасаларида учрашувлар ташкил этилди, — дейди **Норбек**. — Woosuk университетидеда корей маданияти ҳақида инглиз тилида маъруза қилдим. Мамлакатимизда биз ёшлар учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар тўғрисида корейс тилида сўзлаб бердим. Чиқишларим университет Президенти Ким Ёнг Геон ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

— Ўғлим Норбек нуфузли анжуманда муваффақиятли иштироки учун Корея олий ўқув юртларидан бирида имтиёзли ўқиш имкониятини қўлга киритди, — дейди **Холбек Эсоналиев**. — Ёшларимизнинг халқаро майдонларда голиб чиқаётгани аввало мустақиллигимиз туфайлидир. Қолаверса, яратилаётган шарт-шароитлар иқтидорини юзага чиқармоқда, деб ўйлайман.

Носиржон ДЕХҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



БУГУН
ОНА
ЮРТДА...

НУКУСДА

«Болалар дунёси» дам олиш маскани қурилди

Нукус шаҳридаги «Дўстлик» канали ёқасида қўш қаватли «Болалар дунёси» оромгоҳи бунёд этилди. Мазкур иншоот икки қаватли бўлиб, миллий архитектура услубида барпо қилинган. Бу ҳақда kng.uz сайти хабар бермоқда.

— Иншоот қурилишига 1 миллиард 952 миллион сўмдан ортиқ маблаг сарфланди. Бинонинг биринчи қаватида Хитойдан келтирилган янги 16 донга ўйинлар ускунаси жойлаштирилди, — дейди марказ раҳбари Улғубек Саатбаев.

Марказнинг автомат ва аттракцион ўйинлар зали болажонлар билан гавжум.

Оромгоҳнинг иккинчи қаватида эса замонавий кафетерий ва болалар ўйинчоқлари дўкони очилади.

ШАҲРИСАБЗДА

муҳташам сув спорти
саройи барпо этилди

25х11 ўлчамдаги асосий ва 11х6 метр ўлчамдаги машғулот ҳавзаларини ўз ичига олган, 160 томошабин ўрнига эга муҳташам сув спорти саройининг очилиш маросимида вилоят ҳокими Зафар Рўзиев иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида юртимизда ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши, jismonan соғлом улғайиши учун барча имкониятлар яратилган. Натижада ёшларимиз нафақат соғлом ўсаяпти, балки спорт билан профессионал даражада шуғулланиб, ўз маҳорати, интилиши эвазига халқаро мусобақаларда ҳам зафар қучмоқда. Ушбу сув саройи, шубҳасиз, бу борадаги ютуқларни янада қўпайишига хизмат қилади.

Мазкур иншоот қурилиши Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

МАДАНИЯТ МАРКАЗИ

Бухоро туманидаги «Юрун боло» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.

Мазкур маскан Вазирилар Маҳкамасининг «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан барпо этилди.

«Бухоронома» газетасининг сайтидаги маълумотга кўра, қурилиш-таъмирлаш ишларига 476 миллион сўм маблаг сарфланган.

Бу ерда санъатнинг турли йўналишлари бўйича 8 тўтарак фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ ёшлари марказда бўш вақтларини мазмунли ўтказиб, ўз иқтидорларини юзага чиқариш имконига эга бўлишяпти. Дарвоқе, жорий йилда тумандаги «Саховат» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам худди шундай маскан фойдаланишга топширилди.

Қорақалпоғистон

Қашқадарё

Бухоро

ЎЗХДП
ТАШКИЛОТЛАРИ ВА
ДЕПУТАТЛАР
ФАОЛИЯТИ

ЎЗХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ БИРИНЧИ ЧОРАГИДАГИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ МУРОЖААТЛАРГА ЕЧИМ ТОПИШДА МУАЙЯН НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛАЁТГАННИ КЎРСАТМОҚДА. МИНТАКАВИЙ КЕНГАШЛАР ҚОШИДАГИ 205 ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИГА УШБУ ДАВРДА 2422 МУРОЖААТ КЕЛИБ ТУШГАН, ҲОЗИРГАЧА УЛАРНИНГ 74 ФОИЗИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛГАН.

ЎЗХДП ТАШАББУСИ БИЛАН ЖОЙЛАРДА «ҲЕЧ КИМ МЕҲ-МУРУВВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ҚАТОР ТАДБИРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛЯПТИ. ТАДБИРЛАР ДАВОМИДА КЕКСАЛАР, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ҲАМДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАР ҚОЛИДАН ХАБАР ОЛИНМОҚДА.

ШУ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ АСОСИДА 58 МАСАЛА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ПАРТИЯМИЗ ГРУҲЛАРИДА, 21 МАСАЛА ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ, 13 МАСАЛА СЕССИЯГА КИРИТИЛДИ. БУНДА БАНДЛИК ДАСТУРИ ИЖРОСИ, БИТИРУВЧИЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР ИЖРОСИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.

ЎзХДП: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ БИЛАН

ишлаган одам яхши натижаларни қўлга киритади



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.

Семинарда партия гуруҳлари фаолиятини кучайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сирожиiddин Аъзамовнинг айтишича, партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этишда жамоатчилик назоратининг аҳамияти катта, давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини доимий комиссиялар ва сессияларда эшитиш, уларнинг ҳисоботларини шунчаки расмийлик қўришида эмас, балки очик мунозара тарзида ташкил этиш керак.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси раҳбари Бахриддин Холбўтаев жойларда қонунлар ижроси юзасидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини йўлга қўйиш, бунда партия гуруҳларининг фракциялар билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш хусусида сўз юритди.

Олий Мажлис Сенати аъзоси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбари Мақсуда Ворисова партия гуруҳлари фаолиятига тўхталиб ўтди.

— Партия гуруҳлари ташаббуси билан доимий комиссиялар, сессиялар кун тартибига электро-

рат манфаатларига қаратилган долзарб масалалар киритилмоқда, — дейди у. — Аҳоли, айниқса, касб-хунар коллежи битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, кўп қаватли турар-жой биноларининг коммунал тизимини янада яхшилаш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва инфратузилмасини замон талабларига мослаштириш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Ўтган йили халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари электротат манфаатлари билан боғлиқ 24 масалани ўрганиб, сессиялар муҳокамасига киритишга эришди. Шундан 18 масала Ҳаракат дастури асосида ўрганилди.

Аммо бу борада барча партия гуруҳларини ҳам фаол, деб айта олмаيمиз. Мисол учун, Окқўрғон, Бекобод шаҳар ва туман, Паркент, Қуйи Чирчиқ туман Кенгашларига партиямиздан сайланган депутатлар ўз ваколат ва имкониятларидан унумли фойдалана олмапти. Улар йил бошидан буён бирон-бир ижтимоий масалани кўтариб чиқисан эмас. Демократик тараққиётнинг ҳозирги босқичида ҳар биримиз фаолиятимизга яна бир

бор танқидий баҳо беришимиз, партиямизнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш чораларини кўришимиз, электротатни ўйлантираётган масалаларни тизимли равишда ўрганиб, таҳлил этиб, аниқ ташаббуслар билан чиқишимиз зарур.

— Халқ вакиллари ўз сайлов округларидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни чуқур таҳлил эта билиши, аҳолининг кайфияти, айниқса, ижтимоий муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабабларини мунтазам ўрганиб бориши талаб этилади, — дейди Пскент туманидаги «Дўнгқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Акромжон Жумаев. — Бунда сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш,

маҳалла фуқаролар йиғинлари ва партия ташкилотлари билан доимий алоқада бўлиш яхши самара беради. Қишлоғимиздаги аҳолини ўйлантираётган масалалар, ижтимоий муаммоларни изчил ўрганиб боришга ҳаракат қиляпман. Мисол учун, ҳудудимизда ишлаб чиқариш яхши ривожланмаган. Ҳудуддаги коллеж эса айнан саноат ва ишлаб чиқариш бўйича мутахассисларни тайёрлайди. Шунинг учун битирувчилар бандлигини таъминлашда бироз қийинчиликлар юзга келяпти. Шу масалани ўрганиб, сессияга киритиш таклифи билан чиқмоқчиман.

Иштирокчилар партия гуруҳлари йиғилишларида тегишли таш-

малаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳамда ЎзХДП ташкилотлари ҳамкорлигидаги Бухоро вилоятида ўтказилган тадбирда ҳам маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар партия гуруҳларининг Давлат дастурлари ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишдаги



қилот ҳамда мутахассислар вакиллари иштирокини янада кенгайтириш, партия гуруҳларининг бошланғич ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳақидаги таклифларни илгари суришди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида депутатларга гуруҳларга бўлинган ҳолда амалий машғулотлар ўтказилгани яхши тажрибаларни ом-

иштироки, маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига таъсир ўтказишнинг услубий жиҳатлари хусусида тўхталиб ўтишди.

Семинарда партиянинг ҳудудий ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолияти чуқур таҳлил этилиб, таклифлар ишлаб чиқилди.

Гулрух ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ 1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИДА

ҳар доим шўх-шодон кулгулар эшитилиб туради

Истироҳат боғи ота-оналар ва жажжи болажонлар билан гавжум бўлди. «Хар бир болага меҳр, эътибор» мавзусида ўтказилган байрам тадбирида ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов кичкин-тойлар ва уларнинг ота-оналарини самимий муборакбод этди. Шундан сўнг болажонлар учун байрам дастури бошланди. Эртақлар асосида қизиқарли сахна кўринишлари тақдим қилинди. Кичкинтойлар ажойиб шеър кўшиқлар айтиб, йиғилганлар қалбини хушнуд этди.

— Юртимиздаги ҳар бир ота-она фарзандим, деб яшайди, унинг баркамол авлод бўлиб вояга етишини, Ватан равнақига ҳисса қўишини хоҳлайди, — дейди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Юлдашева. — Партиямиз ҳам бу эзу ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўишга инти-

либ келмоқда. Жойларда болажонлар учун турли хайрия тадбирлари ташкил этиляпти, кам таъминланган оилалар фарзандлари қўллаб-қувватланмоқда.

Тадбирга таширф буюрган ота-оналар, бувижонлар болажонларнинг қувончига шерик бўлишди. Бу ҳаммага кўтаринки кайфият бағишлади.

— Бугун дунёнинг турли нуқталаридаги низолар, уруш-жанжаллар оқибатида минг-минглаб болалар азият чекапти, азобланипти, — дейди Чилонзор туманида яшовчи Шарофат Абдиева.

— Минг шукр, юртимиз тинч, болаларимиз бахтиёр, оналаримизнинг кўнгли хотиржам. Тадбирга невараларимни олиб келдим. Ёзи таътилни ана шундай хушхурсандчиликда бошлашди, ҳордик олишди. Бу биз, катталарнинг ҳам кайфиятимизни кўтарди. Бунинг учун ташкилотчиларга миннатдорчилигимни билдираман. — Байрам менга жуда ёқди, — дейди Олмасор



туманилик 6 ёшли Ойша Акмалжонова. — Бизга китоблар совға қилишди. Мактабга чиқиб, ўқишни ўргансам, буларни мазза қилиб ўқийман. Маҳалладаги ўртоқларимга байрам ҳақида сўзлаб бераман. Ойша Акмалжонова билан

гаплашганимизда унинг катталарга ўхшаб фикрлаши, бийрон гапириши, тўғриси, бизни лол қолдирди. Буви-си Мавжуда опанинг айтишига қараганда, у бадий гимнастика бўйича қатор мусобақаларда иштирок этган. Орзулари ҳам бир олам

экан. Ишонамизки, Ойша ва унинг дўстлари, бутун Ўзбекистон болалари албатта орзу-мақсадларига эришади.

Тадбирда ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари, депутатлар томонидан болаларга совғалар топши-

Ишонамизки, Ойша ва унинг дўстлари, бутун Ўзбекистон болалари, албатта, орзу-мақсадларига эришади.

рилди. Турли аттракционлар, кўнгилочар ўйинчоқлар, арғимчоқлар шу кунни махсус мактаб-интернатлар, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари хизматида бўлди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАЁТИДАН ХАБАРЛАР

Коллеждан — корхонага

Зарафшон саноат касб-хунар коллежида ЎзХДП Зарафшон шаҳар кенгаши, шаҳар маънавият ва тарғибот бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида «Коллеждан — корхонага» лойиҳаси доирасида учрашув бўлиб ўтди.

Иш берувчи ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, коллеж битирувчилари, уларнинг ота-оналари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этган тадбирда битирувчиларни тўрт томонлама шартнома асосида ишга жойлаштириш, бу борада олиб борилаётган кенг қўламли ишлар хусусида сўз юритилди.

Йиғилишда қайд этилдики, таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, замонавий билим ва касб-хунар эгалари этиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Касб-хунар коллежларида таълим ва амалиёт уйғунлиги таъминланиб, коллеж ва корхона ҳамкорлиги изчил йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда. Бу борада коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари, ҳокимликлар, манфаатдор корхона ва идоралар билан биргаликда чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, коллеж битирувчиларига меҳнат қонунчилиги, иш берувчининг мажбуриятлари ва меҳнат муҳофазаси бўйича зарур тushunchalar берилди.

«Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз»

Бугун жамиятимизда вояга етмаган қизларни турмушга узатиш ҳоллари учраб турибди. Бу номмаъқулчилик оқибатида кўплаб ижтимоий муаммолар пайдо бўлмоқда. ЎзХДП Каттакўрғон туман кенгаши томонидан «Қозоқовул» маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган тадбирда ушбу масала атрофлича муҳокама этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини омалаштириш, тиббий маданиятни ошириш, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг олдини олиш ишларини кенгайтириш зарурлиги хусусида ўз фикрларини билдириб ўтишди.

Тадбир иштирокчиларига мутахассислар томонидан зарур маслаҳатлар берилди.

Ҳар бир бола эътиборда

Уйчи туманидаги Навоий номи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудий партия ташкилоти ташаббуси билан 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан тадбир ўтказилди.

Туман маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсиши учун кенг имкониятлар яратилгани ва бу гамхўрликдан юртимиздаги ҳар бир бола баҳраманд экани таъкидланди.

Байрам тадбирида Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун кўнгилочар ўйинлар ташкил этилди.

Тадбир давомида болажонларга ҳомийларнинг совғалари тарқатилди.

Аброр ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ



ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ

ЮНИСЕФ ваколатхонаси
рахбарини қабул қилди

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов мамлакатимиздаги миссиясини якунлаётган БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ваколатхонаси раҳбари Роберт Фюдерични қабул қилди. Бу ҳақда вазирлик матбуот хизмати хабар бермоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва ЮНИСЕФ ўртасидаги муносабатлар ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, алоқаларнинг конструктив ва ўзаро манфаатли кўринишида эканлиги қайд этилди.

Сўхбат чоғида 16 апрелда имзоланган 2016-2020 йилларда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистонга оид ҳамкорлик дастурининг муваффақиятли амалга оширилишининг йўл-йўриқлари ҳақида фикр алмашилди.

ЮНИСЕФ ваколатхонаси раҳбарига ҳамкорлиқнинг турли соҳаларидаги амалий масалаларни ҳал этишга қўшган ҳиссаси учун миннатдорлик билдирилди.

ТИББИЁТДА ЯНГИ УСУЛ

яратилди

Ҳақиқат билан трахея орасига анастомоз қўйиш усули йхтиро қилинди.

Ихтиро торакал жарроҳлик, трахеянинг чандикли стенози бўйича ўтказилган операциялар пайтида фойдаланиш учун мўлжалланган, деб хабар беради Интеллектуал мулк агентлиги ахборот хизмати. Унинг вазифаси ҳақиқат билан трахея орасидаги анастомоз муаммосининг олдини олиш ва трахея ретензионини профилактика қилишдан иборат.

Муаллифларга ушбу усул учун № IAP 05200 рақамли патент берилди.

ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИДА

Европа Иттифоқи
делегациясининг
Ўзбекистондаги
вакиллари билан
учрашув бўлиб ўтди

27 май кўни Давлат рақобат қўмитаси раиси Даврон Хидоятлов Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар ваколатхоналарининг савдо бўйича маслаҳатчилари ва Европа Иттифоқи делегациясининг Ўзбекистондаги бўлими бошлиғи ва маслаҳатчиси жаноб Радослав Дарски Хусурийлаштириш дастури билан учрашди.

Бундан қўзланган мақсад Европа компанияларини Ўзбекистонда давлат мулки объектларини хусурийлаштириш Дастурида иштироки ҳамда бу борада Европа Иттифоқи делегациясининг савдо бўйича маслаҳатчилари ва Европа Иттифоқи делегациясининг Ўзбекистондаги бўлими вакиллари Хусурийлаштириш дастури билан батафсил танишди.

Давлат рақобат қўмитаси матбуот хизматининг хабар беришича, учрашувда Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар ваколатхоналарининг савдо бўйича маслаҳатчилари ва Европа Иттифоқи делегациясининг Ўзбекистондаги бўлими вакиллари Хусурийлаштириш дастури билан батафсил танишди.

Учрашув давомида меҳмонлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Юксак маънавиятли кадрлар

жамият ва давлат тараққиётида муҳим аҳамиятга эга

Ички ишлар вазирлиги Академиясида «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қиладиган, юксак маънавиятли мутахассис кадрлар тайёрлаш — асосий мақсадимиз» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Академиянинг саф майдониди мазкур билим даргоҳида таълим олаётган шахсий таркиб тингловчилари жам бўлишди. Тадбирда Академия раҳбарлари, профессор ўқитувчилар, Ички ишлар вазирлиги тизимдаги идоралар матбуот хизмати ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Академия бошлиғи, генерал майор Шавкат Икромов анжумани очар экан, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган давлат ҳокимияти ва

бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунга мувофиқ фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйишда ОАВнинг таъсири янада ошганлигини таъкидлаб ўтди.

— Мамлакатимизда яратилган мустақам қонунчилик жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлардан, айниқса, давлат органлари фаолиятининг аҳоли хабардорлигини кенг таъминлашга хизмат қилмоқда, — деди у. — Бугунги анжумандан мақсад — оммавий

ахборот воситалари вакиллари академиямиз тингловчилари ҳаёти, уларга яратилган шароитлар, ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологиялар жорий этилгани, назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш ва етук малакали кадрлар тайёрлаш бора-бора олиб борилаётган ишлар билан яқиндан таништиришдан иборат.

«Туркистон Пресс» нодавлат Ахборот агентлиги муҳбири Матёқуб Нарзиев, Ички ишлар вазирлигининг «На посту» газетаси муҳбири Елена Кузнецова, Академиянинг 3-босқич тингловчиси Акмалиддин Нуъмонзода ва бошқалар мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг Академия ўзарувчан шахсий таркиб тантанали марш билан, саф қўшиқларини қуйлаган ҳолда ўтиши ва Ички ишлар

вазирлиги Алоҳида намунали кўргазмали оркестрининг саф марши ижроси намойиш этилди.

ОАВ вакиллари Академиянинг ўқув, моддий-техник базаси, таълим муассасаси фаолиятининг асосий йўналишлари, унинг таркибий тузилмалари, ўқув-тарбия ва илмий-тадқиқот жараёни, ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар, шунингдек, Шон-шухрат музейида тингловчиларнинг фан олимпиадалари, халқаро спорт мусобақаларида қўлга киритган ютуқлари билан танишди.

— Академияда кадрларни жисмонан бақувват, маънан етук, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашга қодир ходимлар этиб тайёрлаш мақсадида маънавий-маърифий ишлар билан биргаликда спортнинг қўл жанги, самбо,

дзюдо, юнон-рум ва эркин кураш, хизмат кўпкураши, енгил атлетика, сува сузиш, футбол, волейбол секциялари фаолият кўрсатмоқда, — дейди жанговар ва жисмоний тайёргарлик кафедраси бошлиғи, кураш ва самбо бўйича жаҳон чемпиони подполковник Ақобир Қурбонов. — Академия спортчилари миллий терма жамоаларимиз таркибида жаҳон, Европа ва Осиё чемпионатларида муваффақиятли қатнашиб, жами 400 дан ортиқ (шундан юздан зиёди олтин) медалга сазовор бўлган.

Тадбир давомида ОАВ вакиллари Академиянинг профессор ўқитувчилари, талабалар билан бевосита мулоқотда бўлишди ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.


Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

31 МАЙ — ХАЛҚАРО КАШАНДАЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

Тамаки чекишининг зарари ҳусусида шу вақтгача жуда кўп ёзилган, ёзилмоқда. Тамаки маҳсулотларининг зарари ҳақида исталганча маълумот келтириш мумкин. Лекин бугун дунёда кашандалиқнинг нафақат тиббий, балки руҳий омиллари ва оқибатлари чуқур таҳлил этилмоқда, бу борада қўлаб-қора-тадбирлар кўрилмақда. Айрым мутахассисларнинг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

ИРОДАЛИ ОДАМ

чекишни ташлай олади



Шухрат ТУРСУНБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:


— Айни вақтда кашандалиқ бутун дунё муаммоси бўлиб, унга қарши кураш давом этмоқда. Чунки кашандалиқ нафақат аҳоли саломатлигига, балки давлатнинг иқтисодига ҳам катта зарар етказувчи иллат.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ташаббуси билан 1980 йилдан бошлаб 31 май санаси дунёда тамаки чекишга қарши кураш кунидеб эълон қилинган. Бундан ташқари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ассамблеяси томонидан 2003 йили «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамакига қарши кураш буйича Ҳадли конвенцияси» қабул қилинди. 174 давлат унинг иштирокчиси ҳисобланади, жумладан, Ўзбекистон ҳам (2012 йил). Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Ҳадли конвенциясининг қўлчилик қоидалари мамлакатимизда қабул қилинган «Реклама тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида», «Алкоһол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида ўз ифодасини топган.

Шу боис, мамлакатимизда тамаки маҳсулотлари рекламаси берилишига мутлақ йўл қўйилмайдиган. Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган нукталарда, жамоат жойларида, жамоат транспортининг барча турларида тамаки маҳсулотлари истеъмол тақиқланган. Шунингдек, 20 ёшга тўлмаганларга уни сотиш мумкин эмас. Юқоридаги тартиб-қоидаларни бузган шахслар ва мансабдорлар жавобгарликка тортилди.

Абдусалим МАХМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



ORIENT
FINANS
BANK

«Ориент Финанс» кредитлари ёшлар бандлигига хизмат қилмоқда



Хизматлар лицензияланган.

«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки томонидан ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг истиқболли бизнес лойиҳаларини рўёбга чиқишига молиявий қўмаклашиш юзасидан қатор ишлар олиб боришмоқда.

Президентимизнинг таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш тўғрисидаги фармони ижроси юзасидан банк мутахассислари таълим муассасалари битирувчиларининг иштирокида қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги касб-хунаро коллежларида амалий семинарлар ва учрашувлар ўтказилди. ХАТБ «Ориент Финанс» Марказий амалиёти бўлими ташаббуси билан яқинда Яқкасарой енгил саноат касб-хунаро коллежи талабалари билан учрашув ташкил этилди. Тадбирда мамлакатимизда яратилган кенг имкониятлар ва имтиёзлар, бошланғич сармояларни шакллантиришда банклар қўмағи ва микрокредитлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Учрашув якунида коллеж битирувчилари ўзларини қизиқтираётган барча масалалар ва саволлар юзасидан атрофдаги маълумот ва жавоб олдилар.

Таъкидлаш жоизки, молия муассасасининг бу каби тадбирлари ёшларнинг, айниқса, коллеж битирувчиларининг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишда қўл келаятир.

Дарвоқе, жорий йилнинг биринчи чорагида «Ориент Финанс» томонидан коллеж битирувчиларининг гоёларини рўёбга чиқиши учун 230,1 миллион сўм миқдордаги кредитлар йўналтирилган.

Касб-хунаро коллежлари битирувчиларига банк томонидан қўрсатилган молиявий мадад мен қатори қўллаб ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишларига хизмат қилмоқда, — дейди самарқандлик ёш ишбилармон Санжар Саппаров. — Ўзим ҳам ўқиш даврида эгаллаган хунарим бўйича ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ният қилгандим. Аҳолига чакана савдо хизматини кўрсатиш мақсадида бизнес режам билан «Ориент Финанс»нинг Самарқанд филиалига мурожаат этдим. Лойиҳам маъқуллангач, банкдан зарур миқдордаги кредитни олдим ва ўз ишимни йўлга қўйишга муваффақ бўлдим. Келажақда фаолиятимни янада кенгайтиришни ва янги иш ўринлари яратишни кўзлаганман. Бу борада «Ориент Финанс»нинг молиявий қўмағига таянман.

Мухтасар айтганда, «Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банкининг кредитлари ҳисобига ўз ишини йўлга қўйиб, ўз йўлини топаётган ёшлар сафи янада кенгаймоқда. Бу эса оилалар фаровонлигини таъминлаш билан бир қаторда жойларда ишлаб чиқариш ривожланиши ва янги иш ўринлари яратилишига ҳам хизмат қилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

ЎРТА ЕР ДЕНГИЗИДАГИ

ҳалокат

Ўрта Ер денгизидеда ўтган ҳафтада бир неча кеманинг ҳалокатга учраши оқибатида 700 дан кўпроқ муҳожир қўқиб кетган бўлиши мумкин, деб хабар бермоқда Sky News нашри БМТ маълумотларига таяниб.



Биргина, 26 май кўни содир бўлган кема ҳалокатидан 500 га яқин кишининг суғга гарқ бўлгани тахмин қилинмоқда.


Халок бўлганлар сони тирик қолган йўловчилардан аниқланган.

ПАЛЕОЛИТ ДАВРИГА ОИД

қоятош суратлари
топилиди

Испаниялик археологлар палеолит даврига оид бир неча қоятош суратларини топишди, деб хабар бермоқда The Guardian нашри.

Етмишга яқин суратлар Басков шимолдаги Аткурра ероси тоғидан топилган. Суратларда отлар, буқалар, эчкилар ва буғулар тасвирланган. Тарихчиларнинг фикрича, улар 12,5 - 14,5 минг йил аввал чизилган бўлиши мумкин.



Қайд этилишича, мазкур гор 1929 йилдаёқ аниқланган. 1934-1935 йилларда олимлар томонидан ўрганилган, бироқ ҳеч нарса топилмаган. 2014 йилга келибгина археологлар яна горга эътибор қаратдилар.

Экспертларнинг фикрига қараганда, Аткурра горига қийинчилик билан борилади. Оммавий томошагоҳга айлантиришнинг иложи йўқ. Маҳаллий ҳокимият қоя суратларини намойиш этувчи 3D экспозиция ташкил этиш йўли билан қизиқувчиларга шароит яратиши мумкин.

ЯПОНИЯДА ТУГИЛИШ

сўнгги 21 йил ичида энг
юқори кўрсаткичга
чикди

Япония соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига қўра, 2015 йилда мамлакатда туғилишнинг охириги 21 йилдаги энг баланд кўрсаткичга қайд этилди, дейилади «Майнити симбун» нашрида.

Маълумотларга қўра, сўнгги йилларда япон оилаларида туғилиш даражасининг ўсиши мамлакат иқтисодиётининг жонланishi билан боғлиқ. Шунингдек, нашрда ёзилишича, 2025 йилга бориб мамлакатда туғилиш кўрсаткичи 1,8 фоизга ўсиши кутилмоқда.

2015 йилда Японияда 1 миллион 5656 нафар бола дунёга келган. Аҳолининг умумий сони тахминан 126 миллион кишидан иборат.

1 2 3 5 6